


## IV. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ


Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг январь-март ойларида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизматлар)нинг умумий ҳажми 5 521,1 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 101,8 %ни, шу жумладан деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматлар – 5 443,2 млрд. сўмни (101,8 %), ўрмон хўжалигида – 27,9 млрд. сўмни (100,9 %), балиқ хўжалигида – 50,0 млрд. сўмни (105,1 %) ташкил қилди.

### Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизматлар)нинг ҳажми



Хусусан юқори ўсиш суръатлари Бухоро (103,8 %), Навоий (103,2 %), Сурхондарё (102,4 %) ва Фарғона (102,2 %) вилоятларида кузатилди. Жиззах (100,7 %), Сирдарё ва Хоразм (100,9 %) вилоятларида эса аксинча паст суръатлар кузатилди.

### Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизматлар) умумий ҳажмида ҳудудларнинг улуши



Республиканинг қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизматлар)ининг умумий ҳажмида Тошкент вилоятининг улуши 16,9 % ни ташкил этди ва ҳудудлар бўйича етакчилик қилмоқда, Сурхондарё ва Самарқанд вилоятлари мос равишда 13,6 % ва 10,3 % кўрсаткич билан кейинги ўринларни эгаллади. Энг кам улуш Қорақалпоғистон Республикаси (2,1 %), Сирдарё (3,3 %) ва Наманган (4,4 %) вилоятларида қайд этилди.

### Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари


2018 йилнинг январь-март ойларида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмининг ўсиши 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 101,8 %ни, шу жумладан, деҳқончилик маҳсулотлари – 101,9 %ни, чорвачилик маҳсулотлари – 101,8 % ни ташкил қилди.

## Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг тақсимланиши




2018 йилнинг январь-март ойларида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти таркибида чорвачилик маҳсулотларининг улуши 2017 йилнинг январь-март ойларидаги 74,6 % дан 76,0 % га кўпайди ва шу давр мобайнида мос равишда деҳқончилик маҳсулотларининг улуши 25,4 % дан 24,0 % га камайди.

## Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши



Хўжаликлар тоифалари бўйича таҳлиллар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлар умумий ҳажмининг 87,5 % и – деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 6,3 % и – фермер хўжаликларига, 6,2 % и – қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келишини кўрсатди.

## Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши ҳудудлар кесимида



Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг улуши хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши ҳудудлар кесимида таҳлил қилинганда, энг юқори кўрсаткичлар барча ҳудудларда дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжалиқларига тўғри келиши кузатилди.

### Дехқончилик

2018 йилнинг январь-март ойларида ишлаб чиқарилган дехқончилик маҳсулотларининг ҳажми 1 289,8 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 101,9 % ни ташкил этди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида дехқончилик маҳсулотларининг улуши 24,0 % ни ташкил қилди.

**Ҳосилни йиғиб олиш.** 2018 йилнинг январь-март ойларида барча тоифадаги хўжалиқларда 56,0 минг тонна (2017 йилнинг январь-март ойларига нисбатан 102,2 %) сабзавотлар йиғиб олинди.

Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари сабзавот маҳсулотларини асосий ишлаб чиқарувчилари бўлиб қолмоқда. 2018 йилнинг январь-март ойларида ишлаб чиқарилган сабзавотлар тўғрисидаги маълумотларни хўжалик тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз, сабзавотларнинг 13,2 % и фермер хўжаликлари ҳиссасига, 73,8 % и дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 13,0 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келишини қайд этиб ўтиш лозим

### Сабзавотлар ишлаб чиқаришда хўжалиklar тоифаларининг улуши



### Чорвачилик


2018 йилнинг январь-март ойларида чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 4 078,6 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 101,8 % ни ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида чорвачилик маҳсулотларининг улуши 76,0 % ни ташкил этди.

2018 йилнинг январь-март ойларида барча тоифадаги хўжалиklar томонидан тирик вазнда 440,9 минг тонна гўшт (2017 йилнинг январь-мартига нисбатан 1,5 % га кўп), 1 684,7 минг тонна сўт (2,4 % га кўп), 1 236,8 млн. дона тухум (2,5 % га кўп), 407,4 минг дона қорақўл тери (0,9 % га кам) ишлаб чиқарилди.

**2018 йилнинг январь-март ойларида хўжалик тоифалари бўйича  
асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш**

	Барча тоифадаги хўжаликлар		шу жумладан					
			фермер хўжаликлари		деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари		қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	
	миқ-дори	ўсиш суръати %	миқ-дори	ўсиш суръати %	миқ-дори	ўсиш суръати %	миқ-дори	ўсиш суръати %
Гўшт тирик вазнда, минг. т	440,9	101,5	14,9	133,5	412,9	101,0	13,1	89,6
Сут, минг. т	1 684,7	102,4	63,0	104,9	1 606,8	102,3	14,9	103,5
Тухум, млн.дона	1 236,8	102,5	118,2	98,6	621,7	102,1	496,9	104,0
Жун, т	712	107,4	87	104,2	615	107,5	10	133,3
Қорақўл тери, минг.дона	407,4	99,1	24,8	103,4	373,6	101,7	9,0	45,8

**Асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини  
ишлаб чиқаришда хўжалик тоифаларининг улуши**



## Худудлар кесимида асосий турдаги чорвачилик ва балиқ маҳсулотларини ишлаб чиқариш

**Гўшт (минг.т)**



**Сут (минг.т)**



**Тухум (млн.дона)**



**Балиқ (тонна)**




**2018 йилнинг 1 апрель ҳолатига хўжалик тоифалари бўйича  
чорва моллари ва паррандалар бош сони**

	Барча тоифадаги хўжаликлар		в том числе					
			фермер хўжаликлари		деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари		қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	
	минг бош	ўсиш суръати %	минг бош	ўсиш суръати %	минг бош	ўсиш суръати %	минг бош	ўсиш суръати %
Йирик шохли қорамоллар	12 240,1	102,4	604,8	104,9	11 470,1	102,1	165,2	113,9
шу жумладан сигирлар	4 300,4	100,8	206,2	105,5	4 055,5	100,6	38,7	100,0
Қўй ва эчкилар	20 427,8	102,5	2 103,4	138,0	17 214,9	103,3	1 109,5	63,9
Паррандалар	71 122,7	106,4	8 876,4	116,1	45 121,6	104,5	17 124,7	106,7

2018 йилнинг 1 апрель ҳолатига йирик шохли қорамолларнинг умумий бош сони 12 240,1 минг бошга, шу жумладан сигирлар – 4 300,4 минг бошга, қўй ва эчкилар – 20 427,8 минг бошга, паррандалар – 71 122,7 минг бошга етди.

2017 йилнинг мос даври билан солиштирилганда барча тоифадаги хўжаликларда йирик шохли қорамоллар бош сони – 281,6 минг бошга (2,4 % га), шу жумладан сигирлар – 34,9 минг бошга (0,8 % га), қўй ва эчкилар – 504,8 минг бошга (2,5 % га), паррандалар – 4 274,1 минг бошга (6,4 % га) кўпайди.

**Чорва моллари ва паррандалар бош сонидан  
хўжалик тоифаларининг улуши**



- Фермер хўжаликлари
- Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари
- Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар



2018 йилнинг 1 апрель ҳолатига йирик шохли қорамоллар бош сони тўғрисидаги маълумотларни хўжалик тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз, йирик шохли қорамолларнинг 4,9 % и фермер хўжаликлари ҳиссасига, 93,7 % и деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 1,4 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келишини қайд этиб ўтиш лозим, шунга мос равишда қўй ва эчкиларнинг умумий сонидан 10,3 % и фермер хўжаликларига, 84,3 % и деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 5,4 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келади, шунингдек паррандалар умумий сонидан 12,5 % и фермер хўжаликларига, 63,4 % и деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 24,1 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келади.

### Чорва моллари ва паррандалар бош сони ҳудудлар кесимида 2018 йил 1 апрель ҳолатига

#### Йирик шохли қорамоллар (минг бош)



#### шу жумладан сигирлар (минг бош)



продолжение

### Қўй ва эчкилар (минг бош)



### Паррандалар (минг бош)

